*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 109 (5400)
15 МАЙ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



## МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Улар шаҳримиздаги турли корхоналарда меҳнат қилишади. Аммо Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қизғин тараддуд кўрилаётган ана шу кунларда уларни бир нарса— яқинлашиб келаётган шонли юбилейни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш истаги бирлаштириб турибди. Уларнинг ҳар бири смена топшириқларини мунтазам 20—30 процент ортиғи билан адо этишади. Мусобақа пешқадамлари ана шундай муваффақиятга ўз мутахассисликларини пухта эгаллаганликлари, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишлари туфайли эришмоқдалар.

* * *

СУРАТЛАРДА: асбобсозлик заводининг моҳир силлиқловчиси коммунистик меҳнат зарбдори Т. Власова; «Ташметрострой» 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг энг яхши лаҳмчилари Р. Бикчантаев, Ю. Серов, Г. Данилов.

Т. Каримов фотолари.



**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

**«Маориф ва ҳунар-техника таълими системасининг педагог кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.**

*Истеъмол буюмларига—кенг йўл*

## ҚУЁШДАН САҚЛАЙДИ

Улкамизда ёз фасли бошланиши биланоқ қуёшнинг ўтли тиғидан сақланиш, соя-салқинда юришга эҳтиёж ортади. Айниқса, хотин-қизлар офтобнинг ортиқча «мурувват»идан ҳадиксираб қолишади. Соябон тутишади, кўзойнак тақишади. Уларнинг бу мушкулини шаҳримиздаги бош кийимлар фабрикаси осон қилди. Бу ерда аёлларга мўлжалланган ип-газламадан тайёрланган ёзги шляпалар катта миқдорда ишлаб чиқарила бошланди. Яқин кунларда харидорлар ушбу бежирим бош кийимларини савдо пештахталарида учратишлари мумкин.

Корхона коллективи май-июнь ойларида 1 миллион 870 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш учун жонбозлик кўрсатмоқда. Шонли йилда бу ерда 10 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

## БОЛАЛАРГА ОВУНЧОҚ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Болаларга мўлжалланган ўйинчоқ автоматлар автомобиль, самокатлар ҳамда пистолет сингари буюмлардан 21 хили ҳозирги кунда ана шу корхонанинг маркаси билан тайёрланмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўриб, социалистик мусобақада актив қатнашаётган аппаратчилар халққа керакли моллар етказиб беришда юксак кўрсаткичларга эришишмоқда. Ўтган кварталда бу ерда 1 миллион 374 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Бу пландагидан салкам 21 минг сўмлик кўпдир. Юбилей йилида бирлашма ишчилари жами 4 миллион 120 минг сўмликдан кўп кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга, шунингдек яна тўрт хил янги маҳсулотни оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этишга аҳд қилишган.

# ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

***Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленумидан***

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. Умаров «КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумининг материаллари ҳамда Пленум қарорларидан ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан шаҳар партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи шуни таъкидлаб ўтдики, Тошкент коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини тўла қўллаб-қувватламоқдалар, уни совет демократиясини, ривожланган социалистик жамиятнинг сиёсий системасини ривожлантириш, КПСС иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишда Советлар ролини ошириш тўғрисида партиянинг кўрсатаётган доимий ғамхўрлигининг яна бир ёрқин далили деб баҳоламоқдалар.

Шаҳар, район партия комитетларининг бўлимлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларига амал қилиб, халқ депутатлари Советларининг халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасидаги фаолиятини активлаштирмоқдалар. Тошкентнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш планини бажаришда шаҳар, [illegible] Советларининг роли [illegible] ошмоқда. Депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада тўлароқ оширишларига, ак[illegible] ва ташаббускорлигини оширишга, бошқариш [illegible] шаҳар ва район органлари структурасини такомиллаштиришга, иш форма ва методларини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга хўжалик ва маданий қурилишнинг ўсиб бораётган миқёслари халқ депутатлари Советларининг партиявий раҳбарликни янада кучайтиришни, шаҳар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда улар ролини оширишни, ижроия комитетлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари ишида янада кўпроқ ишчанлик, уюшқоқлик ва аниқлик талаб этади.

Шаҳарни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантиришни таъминлашда Советларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳали тўла-тўкис ишга солинмаяпти. Улар Иттифоқ ва республика қарамоғидаги корхоналар фаолиятига ҳали бўш таъсир этмоқдалар, умумшаҳар вазифаларини ҳал этишда уларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Шаҳар совет органлари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича план ва қўшимча топшириқларни ҳар бир меҳнат коллективи ҳеч сўзсиз бажаришини ҳамиша ҳам таъминлай оляпти, деб бўлмайди, перспектив ва жорий планларни тузишга бўш таъсир этмоқда. Шаҳар ва район план комиссиялари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бош бошқармасининг харидоргир моллар турини аниқлаш ишларини тубдан яхшилаш керак. Маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг истеъмол моллари тайёрлашни ошириш суст бормоқда.

Советларнинг капитал қурилиш ва қурилиш ишлаб чиқаришини планлаштиришга раҳбарлик фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуддир. Капитал маблағларни тўла ўзлаштириш таъминланмаяпти, турар жой ва социал-маиший қурилишла ортда қолишга йўл қўйилмоқда. Электр—сув—газ таъминоти, канализация тармоқлари қурилиши суръатлари шаҳарни комплекс қуришдан анча орқада қолмоқда. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари шаҳарни иситиш масалаларини ҳал этишда қатъият ва изчиллик кўрсатмаяпти. Майдон, кўча ва турар жойларни ободонлаштиришни тубдан яхшилаш талаб этилади.

Шаҳар пассажир транспорти, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари ишида нуқсонлар оз эмас. Турар жойлардан фойдаланиш органлари иши ҳақида меҳнаткашлардан кўплаб ҳаққоний эътирозлар тушмоқда. Турар жойларни тақсимлаш ва ҳисобга олишда суиистеъмол қилиш ҳолларига барҳам берилган эмас.

Шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги мавжуд нуқсонлар кўп жиҳатдан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари назоратининг савияси пастлиги, топширилган иш соҳаси учун кадрларга улар талабчанлигининг бўшлиги билан изоҳланади.

Советларнинг сессияларини, ижроия комитетларнинг, доимий комиссияларнинг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасини яхшилаш, депутатлик сўровини қўллаш талаб этилади. Ижроия комитетларнинг турли штаб ва комиссиялар тузишни кўпайтириш, кенгаш ва мажлисларни кўплаб ўтказиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда эса уларнинг самарадорлиги паст бўлмоқда.

Баъзи шаҳар, район партия комитетларининг бўлимлари майда-чуйда ишлар билан шуғулланишга йўл қўймоқдалар, ижроия комитетлар, уларнинг бошқармалари ва бўлимлари майда-чуйда ишларига ўралашиб қолмоқдалар, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришга, мустақиллигига, улар олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда масъулиятни оширишга етарлича эътибор бермаяптилар. Совет ва хўжалик раҳбар кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда нуқсонлар бор.

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумининг халқ маорифи соҳасидаги кўрсатмаларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети мамлакатимизда ривожланган социалистик жамиятнинг тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олиб, ягона меҳнат политехника мактабининг ленинча принципларини янада такомиллаштириш масалаларида партиянинг стратегиясини белгилаб берди.

Кейинги йилларда Тошкентда умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялашда ва уларни меҳнатга тайёрлашда, ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчи-кадрлар тайёрлашда муайян ютуқларга эришилди. Мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртлари ва ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг моддий-техника жиҳози яхшиланди, уларнинг тармоқлари кўпайиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда меҳнат таълими, мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, ҳунар-техника таълими билим юртларида ишчи-кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ижтимоий ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётининг ўсиб бораётган ҳозирги талабларига жавоб бера олмайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва СССР Олий Совети маъқуллаган ислоҳ тўғрисидаги ҳужжат умумтаълим ва ҳунар мактабида барча ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга даъват этмоқда. Тошкент меҳнаткашлари бу ҳужжатни зўр қизиқиш билан, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилашга, мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган жанговар ҳаракат программаси сифатида баҳолаб, якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар.

Докладларни муҳокама этишда Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Н. Нажмитдинов,** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **В. Н. Колесников,** Тошкент чинни заводи директори **А. А. Иброҳимов,** В. И. Ленин номли электрон-техника заводи синовчиси **Н. Ф. Калякина,** Сергели район ижроия комитетининг раиси **Ҳ. Е. Охунжонов,** «Ташпромстрой» ишлаб чиқариш—қурилиш-монтаж бирлашмаси партия комитетининг секретари **В. И. Устинов,** Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи бош бошқармасининг бошлиғи **Ҳ. Қ. Йўлдошев,** 57-ҳунар-техника билим юртининг директори **К. В. Иванов** қатнашдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумининг «Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги ва «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорини ҳеч сўзсиз бажаришга қаратилган кенгайтирилган қарорлар қабул қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум М. Ф. Солдатовни Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг иккинчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар партия комитетининг бюро аъзоси ва секретари вазифаларидан озод қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси **П. Қ. Қаюмов** иштирок этди.

## СОВЕТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

14 май куни Тошкентда халқ депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинари иш бошлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев семинарни қисқача нутқ сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг талаблари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсиялар асосида қишлоқ ва посёлка Советлари фаолиятининг демократик принципларини такомиллаштириш, уларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш мавзуида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми талаблари асосида территорияни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш соҳасида халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларнинг вазифалари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев докладида баён этилди.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш, чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш соҳасида халқ депутатлари қишлоқ ва поселка Советларининг ролини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов доклад қилди.

XI—XII беш йилликларда республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳамда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг роли тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов ўз докладида гапириб берди.

Семинарда Ўзбекистон ССРнинг бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходимлари иштирок этмоқдалар.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда. **(ЎзТАГ).**

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ПКК Раиси М. С. Соломенцев бошчилигида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети делегацияси партиявий иш тажрибасини ўртоқлашиш учун ГБСП Марказий Комитетининг таклифига биноан 14 май куни Москвадан ГДРга жўнаб кетди.

Берлиндаги аэродромда делегацияни ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли марказий комиссиясининг раиси Э. Мюккенбергер кутиб олди.

*● Идеология ишлари кундалиги*

## ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

«Таштекстильмаш» заводи партия комитети коммунистларни партиявий топшириқлар бериш йўли билан тарбиялашга эътиборни қаратмоқда. Ёшларга касб сирларини тезроқ ўргатиш, уларни тажрибали ишчилар сафига етказиб олишда кўпгина ветеран —коммунистларга ёшларга мураббийлик қилиш сингари партиявий топшириқ берилмоқда. Коммунист М. Қулибоев асбобсозлик цехида 30 йилдан буён ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг барчаси ҳозир ўз ишининг усталари бўлиб етишган. Корхонада бундай тажрибали коммунистларга ёшларни бириктиб қўйиш яхши самара беряпти.

Айниқса М. И. Ляховия етакчилик қилаётган партия группаси коммунистлари бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Группада ҳар бир коммунист доимий ёки вақтинчалик партиявий топшириққа эга. Топшириқларнинг бажарилиши устидан пухта назорат ўрнатилгани эса унинг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

## ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Сергели районида партия ўқуви ва иқтисодий таълимга эътибор кучайтириляпти. Кадрларнинг сиёсий-назарий савиясини янада оширишда бунинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Фақат шу йилнинг ўзидагина иқтисодий таълим системаси пропагандистлари кўмагида 4240 тингловчи ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбурият ишлаб чиқди. 8,5 минг тингловчи эса мунтазам суратда ишлаб чиқариш планларини адо этмоқда. 1200 киши эса коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Шу йилнинг ўтган ойларида 90 дан зиёд тингловчи рационализаторлик таклифлари киритишди. Унинг иқтисодий самараси 850 минг сўмни ташкил этди.

**ГАСТРОЛЬ САФАРИ**

## «НАВРЎЗ» ЁЗЁВОНДА

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейи олдидан ўлкамиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб гастролга чиққан «Наврўз» эстрада ансамбли Ёзёвон чўлқуварлари ҳузурида катта программада маҳоратини намойиш этди.

Ансамблнинг бадиий раҳбари Е. Ширяев, Бутуниттифоқ эстрада конкурси лауреати Н. Султонова, Литва ССР Давлат мукофотининг лауреати Л. Ляпиннинг чиқишлари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Тошкентлик санъаткорлар Марғилон шаҳрида ҳам бир неча бор концертлар беришди.

**М. МАҲМУДОВ.**

## ССССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Ғарбий Европада Америка ўртача олисликка учирадиган ракеталари жойлари кўпайтирилаётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида жавоб чораларини кўришга мажбурдирлар.

Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги шартномага мувофиқ Ғарбий Европа мамлакатлари территориясида Америка ракеталари жойлаштирилишига жавоб чораси сифатида ГДР территориясида Совет Иттифоқининг анча олисроққа учириладиган оператив-тактик ракета комплекслари қўшимча миқдорда жойлаштирилади.

Кучлар мувозанатини сақлаб туриш ҳамда бизга ва иттифоқчиларимизга, жумладан Американинг янги ракеталари жойлаштирилган йўналишлардан солинаётган конкрет хавф-хатарни даф этиш учун зарур бўлган чегараларга қатъий риоя этилган ҳолда бундан кейин ҳам Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг жавоб чоралари кўрилаверади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

## Ер юзида тинчлик бўлсин деб

АҚШ ва унинг НАТО блоки бўйича иттифоқчилари урушқоқ империалистик кучлари тарбиб топган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш, Ғарбий қарама-қаршилик, шу жумладан, ядровий қарама-қаршилик хавфини кучайтириш ниятларидан ҳамон қайтганлари йўқ. Тинчлик илгаридек жуда катта хавф остида қолмоқда. Шунинг учун Европадаги ва умуман бутун дунёдаги тинч ҳамкорлик томон туб бурилиш ясашга, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва таъминлашга қаратилган таъсирчан ва амалий чораларни қатъият билан амалга оширишни тақозо этмоқда.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар халқларни тўлқинлантираётган бу муҳим проблемани ҳал этишга масъулият билан ёндошиш илҳомбахш намунасини кўрсатмоқдалар. Улар тинчликка астойдил интилиб, икки марта жаҳон уруши чиққан Европани мустаҳкам тинчлик ва ҳамкорлик қалъасига айлантириш учун доимо жуда катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Шимолий Атлантика шартномаси аъзолари бўлган давлатларга ўзаро ҳарбий кучни қўлланмаслик ва тинч муносабатларни сақлаб туриш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида яқинда эълон қилинган баёноти бу борада қўйилган яна бир катта қадам бўлди.

Социалистик мамлакатлар таклиф этаётган шартноманинг моҳияти шундаки, бир томондан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар, иккинчи томондан эса Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган давлатлар ўзаро асосда ва шартномавий тусда бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуролларини ҳам, оддий қуролларни ҳам ишлатмаслик, бинобарин, бир-бирига қарши биринчи бўлиб умуман ҳарбий кучни ишлатмаслик тўғрисида мажбурият қабул қилишлари керак. Бундай шартноманинг тузилиши Европадаги вазиятни соғломлантиришга амалий ёрдам берган, бутун халқаро иқлимга самарали таъсир кўрсатган бўлур эди. Бу эса инсониятни ядро хавфидан ҳалос этиш, қуролланиш, аввало, ядро билан қуролланиш пойгасининг олдини олиш, қуролсизланиш томон қадам қўйиш имконини берган бўлур эди.

Социалистик давлатларнинг Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда қуролсизланиш чоралари бўйича ўз ишини яна бошлаб юборган Стокгольм конференциясидаги йўли ҳам тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига тўла-тўкис мосдир. Совет Иттифоқи конференцияда Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, ядро урушининг олдини олишга қаратилган янги тинчлик таклифларини ўртага қўйди. Бу социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ташқи сиёсатининг асосий мақсадидир.

Халқлар АҚШнинг империалистик сиёсати тинчликка жиддий хавф солаётганлигини яққол кўриб турибдилар. Европада ва бошқа қитъаларда урушга ва ракеталарга қарши ҳаракат кучаймоқда. Планетадаги миллион-миллион кишилар тинчлик учун курашмоқдалар. СССР ва унинг иттифоқчиларининг тинчликни мустаҳкамлашга, инсониятни ядро ҳалокатидан ҳалос этишга қаратилган изчил сиёсати, амалий таклифлари ва бу борадаги жуда катта куч-ғайратлари уларда келажакка умид бағишламоқда.

**М. ЯКОВЛЕВ,**
**ТАСС шарҳчиси.**

# ШУ КУННИНГ НАФАСИ

*Бугун Тошкентда:*

**«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида хотин-қизларнинг чарм пальтосини серияли ишлаб чиқаришга киришилди. Сунъий материалдан тайёрланган бу маҳсулот моданинг сўнгги талабларига тўла жавоб беради. Шу йилнинг ўзида савдо пештахталарига бундай маҳсулотлардан 22 минг дона етказиб берилади.**

●

**Республика киночилар уйида атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган тантанали, адабий кеча бўлиб ўтади. Кечага таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари тўпланадилар. Улар адиб замондошларининг хотираларини, олим ва ёзувчиларнинг Абдулла Қодирий бебаҳо мероси ҳақидаги сўзларини тинглайдилар.**

●

**Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлими 19—20 май кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган «Тошкент баҳори — 84» китоб бозорини ташкил этиш юзасидан катта тайёргарлик ишини бошлади. Горький номли маданият ва истироҳат боғида бўладиган бу маросимга шаҳардаги 1, 14, 17, 23, 28, 41-китоб магазинлари ўз маҳсулотларини сотувга қўяди. Бу ерда шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилади, сиёсий плакатлар кўргазмаси намойиш қилинади.**

*ОБ-ҲАВО*

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8—13, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлади.

● ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА

# ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Республика энергетика системаси корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада шу йилнинг биринчи кварталида биринчи ўринни эгаллаган «Узгосэнергонадзор» коллективига Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда электростанциялар ва электротехника саноати ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Мухбиримизнинг илтимосига кўра, ана шу ташкилот энергетикларининг меҳнатдаги ютуқлари ҳақида унинг директори Т. Ш. АҲМЕДОВ ҳикоя қилади:**

— Аввало ишимизнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапириб ўтишни истайман. «Узгосэнергонадзор» коллективи ишончли ва узлуксиз электр таъминотини яхшилаш, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни устидан назоратни кучайтириш, республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида электр ва иссиқлик қурилмаларн иш режимига риоя этилишини таъминлаш каби муҳим масалаларни ҳал этяпти. Биз ана шу вазифаларни қанчалик самарали амалга ошираётганимиз қуйидаги фактларда яққол кўринади.

Шу йилнинг фақат ўтган уч ойида саноат корхоналарида 90 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 60 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежалди. Ана шу катта иссиқлик-энергетика ресурслари резервида кўплаб ишлаб чиқариш цехлари ишлаяпти. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз социалистик мажбуриятларини бажаришга интилишяпти.

Шу йилнинг биринчи кварталида «Узгосэнергонадзор» коллективи қиш пайтида электростанцияларни ёнилғи билан таъминлашда оғир аҳвол вужудга келган бўлишига қарамай барча техникавий-ноқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни муваффақиятли уддалади. Электр энергиясини реализация қилиш плани 100,4 процент этиб бажарилди. Абонент қарздорлиги пасайтирилди, коммерция йўқотишлари бартараф этилди. Бу фойдани ошириб, Ўзбекистон энергетика системаси барча ходимлари моддий рағбатлантирилишини яхшилаш имконини берди.

Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини, Константин Устинович Черненконинг Москвадаги «Серп и Молот» заводи ишчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни амалий ҳаракат қўлланмаси сифатида қабул қилди. Уларда ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали, тежамкорлик билан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Энергиядан нооқилона фойдаланилаётган жойларни аниқлаш ва резерварни топиш мақсадида кўп энергия сарфланувчи икки юздан зиёд корхонада текшириш ўтказилди. Ана шу ғоят муҳим халқ хўжалиги ишида алоҳида жонбозлик кўрсатган ходимларимизнинг номларини айтиб ўтишни истайман. Улар И. Швидко, И. Конев, Э. Мевлюдов, Б. Акбаров, А. Шевченко, Т. Пилипенко, К. Шарипов, А. Ким ва бошқалар бўлиб, тежамкорлик йўлида жон куйдиришяпти.

Агар ўз ишимизга танқидий назар ташласак, ҳали айрим камчилик ва нуқсонларимиз борлиги кўринади. Давлат энергетика назорати ролини ошириш бўйича янги низомга мувофиқ камчиликларни тубдан йўқотмоғимиз лозим бўлади. Партия ва ҳукуматимиз талабларини бажаришга бутун куч ва маҳоратимизни сафарбар этамиз. Ўртоқ К. У. Черненко «Серп и Молот» заводи ишчилари билан суҳбатда шундай деди: «Аввало энергияни тежайдиган техника ва технологияни ишлаб чиқиб жорий этишни имкони борича жадаллаштириш лозим». Бу бизнинг бевосита бурчимиздир. Биз бу масала билан жиддий шуғулланамиз.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## *Янги ГЭС қурилмоқда*

**БУХАРЕСТ.** Вонле аҳоли пункти яқинидаги Олта дарёсининг юқори оқимида янги гидроэлектростанция қурила бошланди. Бу Руминиядаги энг катта дарёда бунёд этилаётган йирик манчи ГЭСдир. 1990 йилгача дарё гидроэнергетика потенциалини комплекс ўзлаштириш мўлжалланган программада 29 та гидроэлектростанция қуриш кўзда тутилади. Улардан ўн учтаси ҳозир ишлаб турибди, еттитаси эса қурилаяпти. Олта каскадни бунёд этилиши мамлакатнинг энергетика ресурсларидан фойдаланиш кўпгина вазифаларини ҳал этибгина қолмай, шу билан бирга саноат ва аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни яхшилашга, теварак-атрофдаги ерларни ирригациялаш ва уларни баҳорги сув тошқинидан муҳофаза қилиш, кема қатновини ва балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади. Дарё соҳилларини боғловчи кўприклар ва тўғонлар райони ўйғун территориал ривожлантириш, уни индустриал ва қишлоқ хўжалиги, туризмини ривожлантириш имконини беради.



**ГДР. СУРАТДА:** Унтер-ден-Линден кўчасида қадимий бинода очилган немис тарихи музейига киравершида.

***

**РУМИНИЯ.** Фундуля қишлоғида бундан чорак аср муқаддам ташкил этилган дончилик ва техника экинлари илмий-тадқиқот институти Руминия деҳқонларига яхши таниш-дир.

**СУРАТДА:** институт лабораторияларидан бирида кунгабоқарнинг янги навларн яратилмоқда.

Ажерпресс — ТАСС фотосн.



## *ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА*

**ХАНОЙ.** Вьетнам шимолидаги Вайтяу вилоятида ва унинг территориясида яшовчи майда миллатларининг тарихи анча мураккаб. Бу ерда революциягача ҳуқуқсизлик, қашшоқлик, саводсизлик нима эканлигини яхши билар эдилар. Мустамлакачилик оғир меросини тез бартараф этиш мумкинлигига баъзилар ишонмас эдн. Лайтяунинг тарихий ўтмишида Дьенбьенфу остонасида Вьетнам Халқ Армияси маҳаллий аҳоли мададида Франция мустамлакачилар корпусининг асосий гуруҳини тор-мор этган жангининг шонли саҳифаси ҳам битилган. Вилоятда ана шу жанглар тўғрисидаги хотира ардоқлаб сақланмоқда: Дьенбьенфуда музей, меморнал комплекс ташкил этилган. Бугунги кунда Лайтяу меҳнаткашлари янги ҳаёт қуриб, ўша тарихий жанг қаҳрамонлари изидан бормоқдалар.

Халқ ҳокимияти бутун бир авлод кўз ўнгида илгари Вьетнамнинг энг қолоқ миллий чекка ўлкаларидан бири бўлган Лайтяунинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Давлат ва маҳаллий аҳолининг куч-ғайрати натижасида илгари қишлоқ хўжалиги учун кам яроқли деб ҳисобланган ерлар ҳосилдор қилинди. Ўтган йилнинг ўзидагина бу ерда 130 минг тоннадан ортиқ шоли етиштирилди. Айни вақтда бир қанча уездларда ҳар гектар майдондан 50 центнердан ошириб дон олинди. Республикадаги тексликда жойлашган кўпгина вилоятларда ҳам бундай ҳосилдорликка ҳавас қилишлари мумкин.

## ПИТОН ИЛОНИ ЎҒИРЛАНДИ

Вашингтон табиат тарихи музейидан қарийб тўрт метр келадиган питон илони ўғирланди. Музей маъмуриятининг маълум қилишича, бандитлар қоронғида бинога бостириб кириб, махсус шишадан ясалган вольерни уриб синдирганлар ва вазни 30 килограммдан ошадиган илонни қопга солиб, ўғирлаб кетганлар.

Бу — табиат тарихи музейида бир ҳафта ичида юз берган тўртинчи шундай ўғирликдир. Бундан бир неча кун илгари ўғирлар тропик Америка ўрмонларида яшайдиган ва ҳар бири бир ярим метр келадиган учта боа—констриктор илонини шиша вольери билан бирга ликда ўғирлаганлар. Бу илонларнинг териси чиройли бўлганлиги учун ғоят қиммат туради. Музейдан ўғирланган илонлар, афтидан, мода қурбони бўлган кўринади.



Шаҳримиз баҳор фаслида жуда файзли бўлади. Қаёққа қараманг кўм-кўк дарахтлар, ранг-баранг очилиб турган гулларга кўзингиз тушади. Шаҳар кўчалари ва проспектларидаги ана шу гулларнинг чиройли бўлиб очилиб туришида шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси хизматчиларининг меҳнатларн жуда катта.

**СУРАТЛАРДА:** Ленин проспектида ободончилар бетон тувакларга ҳар хил гул кўчатларн ўтказишмоқда ва яшил тўсиқларни суғоришмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

## МЕХАНИК... СЎҚА

Ҳар бир деҳқонга таниш кўҳна сўқанинг «рақиби» пайдо бўлди. Бу — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари яратган янги агрегатдир.

Албатта, кенг қамровли ва тракторга ўрнатиладиган ротацион сўқа кўҳна сўқага мутлақо ўхшамайди. Агрегатнинг эни 5,4 метр бўлиб, айни маҳалда 8 қатор ғўзага ишлов бера олади. Унинг ёрдами билан бир соатда беш гектар майдондаги ерни юмшатиб чиқиш мумкин.

Янги агрегатни биргина киши — трактурчи ишлатади. Зарурат туғилса, у тупроқни юмшатиш, чуқурлигини 2—8 сантиметр миқёсида ўзгартириш мумкин. Яна бир муҳим томони шуки, ротацион сўқадан қатор оралари кенглиги 60 сантиметр ва 90 сантиметр қилиб олинган далаларда фойдаланаверш мумкин.

Янгилик давлат синовидан ўтди. Шу йил Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларининг пахтакорлари механик сўқага эга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

### Вақти келмадимикин?

Самарқанд дарвоза деганда пойтахт шаҳримизнинг кўпчиликка маълум бўлган қадимий обод, тарихан аҳамиятли — шаҳарнинг қадимги 12 дарвозасидан бири ҳисобланган йирик гузургоҳи кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳозир бу ерда ҳашаматли «Самарқанд» чойхона комплекси, ўрта мактаб биноси, мактабгача тарбия болалар комбинати бўлиб, шунингдек, аҳолн учун зарурий омонат касса, «Союзпечать» киоскаси, сартарошхона ишлаб турибди.

Самарқанд дарвоза катта йўл ёқаси, аҳолисн зич жой. Лекин бу ерда биргина озиқ-овқат магазини бўлиб, у 1930 йилда ишчилар кооперативи томонидан қуриб берилган унча катта бўлмаган бир хонали биноға жойлашган. Махсус омборн бўлмаган тор магазинда турли ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари аралаш ҳолда ерда ётади. Кетма-кет келиб турган моллар йўл устига тушириладн. Ун, ёғ, сут, гўшт каби маҳсулотлар шу жойнинг ўзида сотилади, баъзан эса «жой йўқ»лигн учун қайтариб юборилади.

Шунингдек, аҳолининг сабзавот, полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очиб бериш ҳақидаги талабларн бир неча йилдан берн жавобсиз қолмоқда. Кишиларга зарурат туғилганда икки боғ редиска ёки кўк пиёз, бодринг, карам учун ҳам атайин бозорга қатнашга мажбур бўлишади.

Самарқанд дарвоза аҳолисига озиқ-овқат, сабзавот-полиз маҳсулотларн билан савдо қилувчи намунали савдо магазинн қуриб бериш вақти келмадимикин! Октябрь район Совети ижроия комитетидаги мутасаддн ўртоқлар бу ҳақда бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмас эдн.

У. РАСУЛОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

### Бир тегирмон сув қани?

Гуручарик маҳалласидаги ҳонадонларнинг деярли ҳар бирида мевали дарахтлар экилган. Лекин улар яйраб ўсмайди. Чунки бир замонлар бир тегирмон сув ҳайқириб оқадиган Гуручарик ҳозир темир-бетон бўлакларн билан тўлиб қолган.

Бундан йигирма йил бурун Тошкент чинни заводи каттагина маблағ сарфлаб ўз территориясини темир-бетон плиталар билан ўраб олган эдн. Аммо вақт ўтиши билан ариқ лабига ўрнатилган плита девор чўкиб қолдн. Завод маъмурияти аҳволни яхшилаш учун сув бўйидан 3 метр ичкарн суриб ғишт девор тиклаб олдн. Аммо ҳудди шу хайрли иш жараёнида қўл учида ишлаган қурувчилар плита деворни ариқ устига ағдариб юборишди.

Гуручарикни энди ўша плиталардан тозалаш керак. Лекин буни қўл билан бажариш мушкул. Чунки плиталарнинг ҳар бирнинг оғирлиги 2—3 тонна келади.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси раҳбарлари бу ишга зудлик билан киришмаса, маҳалладаги дов-дарахт қуриб қолиши хавфи бор.

С. САЙДУЛЛАЕВ,
Гуручарик маҳалла комитетининг котиби.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

*ТАСС: илмий шарҳ*

# 15 СОАТ КОИНОТДА

Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков орбитада қарийб 3 ойдан бери ишламоқда. Космосдаги ҳар бир кун қизғин ишлар билан ўтмоқда. Аммо кейинги ўн икки кунда иш айниқса тиғиз бўлди: космонавтлар очиқ космосга тўрт марта чиқдилар. Бу чиқишларнинг умумий давомати 15 соату 45 минутга борди.

«Маяк»лар очиқ космосга чиқишлар чоғида станциянинг бирлашган мотор установкаси билан бажариладиган ишларни давом эттирдилар. Бундаги роллар қуйидагича тақсимланди: Л. Кизим, В. Соловьев ишладилар, О. Атьков эса станция ичида қолиб космик монтажчиларнинг кайфиятларини кузатиб борди, шунингдек улар операцияларни қандай навбат билан бажараётганликларини борт ичидаги ҳужжатларга қараб назорат этиб турди.

Кейинги йилларда узоқ давом этган экспедицияларнинг қарийб ҳамма экипажлари очиқ космосда ишлади. Шунга қарамай очиқ космосга ҳар сафар чиқиш —ҳозирча ўрганиш бўлмаган иш бўлиб, ерда анчагина таййргарлик, машқларни, том маънода ҳар бир ҳаракатни пишиқтиришни талаб қиладн. Кема ёки станциядан ташқарида ишлаш чоғида қўшимча психологик нагрузка талаб этнлади, унда анчагина жисмоний куч-қувват сарфланади.

Станция ичида ёки унинг ташқи юзида эркин муаллақ юрган космонавтларга қарар экан-мз, уларнинг ҳаттиҳаракатлари ниҳоятда енгил бўлиб туюлади. Лекин иш бошланиши биланоқ вазнсизлик қолати ўзининг нохушлигини кўрсата бошлайди. Ўшанда Ньютоннинг ҳар қандай ҳаракат қаршн ҳаракатга баравар деган қонуни яққол тасдиқланади. Космонавт тегишли равишда маҳкамланиб олмай гайкани бўшатиб олмоқчи бўлса, бундан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Бу тескари томонга бурилиб кета бошлайди холос. Мабодо болға урмоқчи бўлса ўзи «сандон» дан нарига учиб кетади. Вазнсизлик шароитида ишлашнинг мана шу хусусиятлари конструкторларни космосда учиш чоғида ярайдиган махсус асбоблар: болғалар, гайка ключлари, парма-лар яратишга мажбур қилди.

Л. Кизим ва В. Соловьев олдида станциянинг чиқиш туйнугидан ўн беш метрларча нарида жойлашган агрегат бўлмасида монтаж ишларини бажаришдан иборат мураккаб вазифа турарди.

Беш соат давом қилган иккинчи чиқиш чоғида космонавтлар бирлашган мотор установкасининг резерв магистрал қисмига қувур ўрнатдилар.

Қийинчиликларга қарамай Л. Кизим ва В. Соловьев тўрт марта очиқ космосга чиқиш чоғида бирлашган мотор установкаси билан кўпдан-кўп профилактика ишларини бажардилар. Улар магистрал трубанинг икки қўшимча тармоқларини ўрнатдилар, шу трубаларнинг герметиклигини ва кичик моторлар коллекторн текширнб кўрилди, иссиқдан иҳоталовчи ғилофда тешиклар қўйдилар, натижада трубаларга қараб турнш мумкин бўлиб қолди. Ишни фақат уларнинг ўзларигина қилганлари йўқ: космосдаги ишлар ердаги шундай ҳаракатлар билан бирга олиб борилди. Мутахассислар иш бажариш энг мақбул варнантларини белгилаб чиқдилар, бортга станция агрегат-мотор бўлмасининг табнй макети тасвири юборилди. Хуллас, ер космонавтларга маънавий мадад-гина эмас, техник ёрдам ҳам бериб турди.

Бугунги кунда орбитада комплекс пухталигн ва иш қобилиятини ошириш учунгина эмас, шу билан бирга келгуси космосда доимо ишлаб турадиган катта-катта станцияларни яратиш борасидаги ишлар учун ҳам зарур иш босқичи бажарилди, деб муболағасиз айтиш мумкин.

(ТАСС).

● СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

# ҚИРТИШЛАБ, ТИЛ ТИШЛАБ ҚОЛМАНГ

Касбнинг ёмони йўқ дейди доно халқимиз. Ҳамма нарса ўша касб соҳибига боғлиқ. Бу ҳақ гап. Ўз касбига меҳри йўқ одамдан илтифот ва яхши муомаланн талаб олиб бўлмайди. Юзи қурсин бундай заруратнинг. Шундай заруратга муҳтож бўлмаган сартарошлар шаҳримизда жуда кўп. Уларнинг орасида сидқидилдан меҳнат қилиб сочи оқарган тажрибали усталар ҳам, эндигина мижозлар эътиборини қозонган ёш сартарош йигит-қизлар ҳам бор.

Биз бугунги мақоланн иш услубн ҳам, мижозлар билан муомаласи ҳам ўрнак бўлгулик сартарош қиздан бошлаганимизнинг боиси бор. У ёш бўлса ҳам тажрибали усталардек ўз ишининг билимдони, касбини юракдан севиб, қадрловчи қиз. Марҳамат танишинг: Галина Калохўжаева, шаҳримизнинг Октябрь районидаги сартарошхонада хизмат қилади.

— Тўғрисини айтсам сартарошликни ҳеч қачон орзу қилмагандим, —дейди Галина. —Ўзим Ғарбий Сибирнинг Анжеро— Судженск шаҳрида туғилганман. Тошкентга келиш бўлиб тушганман. Қизимиз бор— Сибирнинг тошкентлик невараси...

Мен врач бўлмоқчийдим. Институтга киролмадим. Сартарошликни эса шунчаки йўл-йўлакай, ўзимга унч ўрганиб қўймоқчи бўлгандим. Аммо ўқишни битиргач бутун вужудим билан бу ишга берилиб кетдим. Бошқа касбда ҳозиргидек завқшавқ билан ишлай олишни энди тасаввур ҳам қилолмайман.

Сартарош хушхулқ, нозик дид, зийрак бўлмоғи лозим. Муҳими у оддий устага айланиб қолмасин, ўз устида ишлашн, изланишн шарт эканини билсин. Ҳар қандай касб ўзига хос ижод. Мен шунга аминманки, агар сартарош ўз ишининг устаси бўлса бу яхши, лекин у дилкаш ҳамсуҳбат ҳам бўлса бу энди нур устига аъло нур. Мен доим шундай уста бўлишни орзу қилдим...

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги томонидан шу йилдан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча сартарошхоналарда олдиндан хизмат ҳақини тўлаш жорий этилди. Мижоз аввал кассага пул тўлаб чек қоғозн олгач сўнгра уста ҳузурига киради. Шубҳасиз, бу жуда ўринли хизмат усули. Лекин буйруқлар билангина мукаммал иш юритиб бўлмайди. Энг аввало бу уста деган эл эъзози, бир сўз соҳибларининг виждонига ҳавола.

— Сартарошларнинг барн тил бириктириб олгандек, қайси салонга кирнб соқол қирдирсангиз бир сўм сўрашади. —деб хат ёзибдн бизга оқшомхон Ҳ. Расулов.— Хизмат ҳақи кўрсатилган прейскурантдан эса ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. У ерда кўрсатилган бир неча хизмат турн учун тўланиши керак бўлган пулни қўшса бир сўм бўлмайди..

Математиканн яхши билмас экансиз, ўртоқ Ҳ. Расулов. Бу ерда қўшиш кетмайди, кўпайтирнш амалнни ишлатиш лозим. Бу ер сизга хасратхона эмас, сартарошхона. Сартарошнинг эса ўз хомчўти бор.

«Дарвоқе, «сартарош» деганн тожикча сўз. Сўзма-сўз таржимаси — «бошни қиртишловчи» деганн. Аммо ҳозир шу соҳанинг «илғор»лари бошни эмас, чўнтакни қиртишлашга уста. Бегона чўнтакни, албатта. Қиртишлаб-қиртишл а б бир куни тил тишлаб қолгунча шундай қилиш-аверади.

Айтишларича дунёда энг қаттиқ жисм пўлат, энг юмшоғи эса сартарошларнинг қўли экан. Сув тегавериб пўсти юпқа бўлиб кетаркан, уста кафтининг. Аммо яна бир хат муаллифининг маълум қилишича айрим усталарнинг фақат кафти эмас, кўнгли ҳам «нозик» экан.

— Маҳалламиздаги сартарошхонада амаким ишлайдилар. Исми ва ўз исмимни яшираётганимнинг боиси ҳам шу. Ушбу сатрларни ўқиб ўзлари билиб олсалар, қайси жиянн эканимни. Лекин гап бундамас. Гап шундаки, амакимнинг кўнгли жуда нозик. Ҳисоб-китоб қилаётганларида сал ҳаяжонланиб кетса, мижоз инсофдан сўз очса, дарров ранжиб қоладилар. Қовоқ уюб жим тиғ чархлашга тушадилар. Мен амакимга жуда ачинаман. Кун бўйи ҳар икки мижоздан бирн унга виждонни эслатиб туришга мажбур, амаким эса тинмай тиғ чархлайди. Бунақада устара ва қайчи бардош берадими! Ахир улар ҳам анча пул турадн!

Муаллиф хатига Ф. деб имзо қўйибдн. Эҳтимол Фарҳоддир ёки Файзулладир исми, ким билсин. Лекин гап бундамас. Гап шундаки, устада виждон бўлиши шарт. Имони йўқ уста элнинг шўри.

Мақоламизни студентоқшомхон Ш. Худойбердиевнинг сўзлари билан якунламоқчимиз: «Агар ҳамма сартарошлар ҳам Навоий кўчасидаги 6-сартарошхона ходими Галина Калохўжаева сингари изланувчан ва хушмуомала бўлишса эди...»

Қизиқ, бунга нима тўсқинлик қиляпти, экан!

М. ЮСУПОВ.

## Экиш ишлари бошланди

**УЛАН-БАТОР.** Халқ Монголиясининг деҳқончилик районларида экин экиш ишлари бошланди.

Республиканинг қишлоқ меҳнаткашлари баҳорни шай ҳолда кутиб олдилар: машина-механизмлар сафатли ва ўз вақтида ремонтдан чиқарилдн, барча хўжаликлар сара уруғлик билан етарли даражада таъминланди, ҳамма жойда экиш кампаниясини ўтказиш режалари ишлаб чиқилдн.

МХР деҳқонлари бу йил кузда 700 минг тоннадан ортиқ дон, салкам 130 минг тонна картошка ва сабзавот йиғиштирнб олишлари керак. Энг янги техника ва технологня, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқарнши эришган илғор тажрибадан фойдаланиш — юксак марраларга эришишда ёрдам бермоқда.



Токнонинг «Хибия» боғида «Меҳнатда ва жамоат ҳаётида тенгликни талаб қиламиз!» шиорн остида хотин-қиз меҳнатчиларнинг намойиши бўлиб ўтди.

**СУРАТДА:** намойиш қатнашчиларн Токнода митинг ўтказиладиган жойга йўл олмоқдалар.

Г. Аничкина фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

2 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

15 МАЙ, 1984 й.

# ТОШКЕНТ АНЖУМАНИНИНГ ОБРЎСИ

**Москвада Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII Халқаро кинофестивалига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференция иштирокчиси, Тошкент кинофестивали матбуот маркази раҳбарининг ўринбосари Ҳамидулла АКБАРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Аввало Тошкент фестивалига бағишланган бу конференция СССР ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида ўтказилди. Шаҳримиздаги халқаро учрашувга қанчалик катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади. Маданий-сиёсий ҳаётимиздаги бу муҳим воқеа совет ва чет эл матбуот, телевидение, радио органларининг диққати марказида эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Йиғилганлар Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитетининг раиси, фестиваль бош директори А. А. Абдуллаевга, СССР Кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари, ташкилий комитет аъзоси П. К. Костиковга, шунингдек, Тошкентдаги учрашувга тараддуд кўришда фаол иштирок этаётган Ю. Т. Хўжаевга («Совинтерфест» ташкилоти директори), «Совэкспортфильм», «Совинфильм» вакилларига саволлар билан мурожаат этдилар. Марказий газета ва журналлар ҳамда чет эл матбуот органларининг Москвадаги мухбирлари Тошкентдаги тараддуд, намойиш этиладиган фильмлар, шаҳримизга ташриф буюрадиган меҳмонлар ҳақидаги ахборотни катта қизиқиш билан тингладилар.

Ҳозиргача 80 дан ортиқ мамлакат ва халқаро, миллий ташкилотлар фестивалга келиш истагини билдиргани, Тошкентга планетамизнинг турли районларидан хатлар, телеграммалар, реклама материаллари, фильмлар келаётгани, Ўзбекистон пойтахти байрам либосига кираётгани маълум этилди. Африка миллий конгресси ташкилоти Тошкент фестивалида биринчи марта қатнашиши хабар қилинди.

«Известия» газетасининг вакили анжуман экранида намойиш этиладиган асарлар ҳақида, «Комсомольская правда» мухбири эса фестиваль кунлари бўлиб ўтадиган анъанавий баҳс ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар. Шунда шаҳримизнинг ўн бир кинотеатрида ҳамда санъат саройида турли миллий кинематографларнинг энг яхши асарлари — бадиий, ҳужжатли, мультипликацион ленталар намойиш этилиши, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье, Свердловск ва иттифоқимизнинг бир қатор бошқа студияларида яратилган фильмлар ҳам кўрсатилиши мўлжалланаётганли г и хабар қилинди. Фестиваль программасидаги баҳс эса «Кино тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда» шиори остида ўтиши ҳам барчада қизиқиш уйғотди. Фестиваль регламенти бўйича экранда гуманистик шиорга жавоб берадиган фильмлар кўрсатилиши бундай баҳс учун бой материал беради.

АПН вакили ҳамкорликда фильмлар яратиш борасида Тошкентдаги учрашув кунлари қандай битимлар имзоланиши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Олдинги фестивалларда имзоланган бундай битимлар Ҳиндистон, Афғонистон, Япония, Мексика, Колумбия каби мамлакатлар билан биргаликда асарлар бунёд этилишига олиб келди. Эндиликда совет санъаткорлари Никарагуа, Мадагаскар, Танзания, Кампучия, Куба, Лаос, Польша кинематографчил а р и билан биргаликда янги фильмлар яратишга келишиб олишга тараддуд кўрмоқдалар.





**БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН**

**СУРАТЛАРДА: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали кунларида бўлиб ўтган унутилмас учрашувлардан лавҳалар: СССР халқ артисти Шукур Бурхонов Монголия Халқ Республикаси киночилари билан суҳбатлашмоқда; вьетнамлик киноактриса Тнам Тниу Нана ва ленинградлик санъаткор Елена Драпенко дугона бўлиб қолишди.**

**Ҳ. Мирзакаримов** фотолари.

---

Фенимор КУПЕР. **Америка**

# ИЗҚУВАР



(РОМАНДАН ПАРЧА)

Америка адабиётининг классикларидан бири Фенимор Купер асарлари жаҳондаги жуда кўплаб тилларга таржима қилинган. Америкадаги ерли аҳоли —ҳиндуларнинг оғир ҳаёти, уларнинг оқ танли мустамлакачиларга қарши кураши ёзувчи асарларида ҳаяжонли ва ҳаққоний акс эттирилган. Ф. Купер асарлари СССР халқлари тилларида ҳам кўп бор чоп этилган.

Таниқли ношир ва таржимон Эркин Миробидов ёзувчининг «Изқувар» романини таржима қилди. У ҳозир нашрга тайёрланмоқда. Қуйида ана шу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Бу таҳликали дамлар эди. Қочқинлар рақибларининг ниятларини уларнинг имо-ишораларию ўз муваффақиятсизликларини қанчалик дарғазаблик билан қаршилаганликларидангина пайқашлари мумкин эди, холос. Ғанимларнинг бир қисми қалъа томонга қайтгани, бинобарин, уларни гулхан билан чалғитиб бўлмагани яққол кўриниб турарди. Бироқ бу ҳол сайёҳлар учун катта аҳамиятга эга эмасди, зотан уларга хавф солиб турган нарса —дарёдан оқим бўйлаб келаётган уч ирокез[1]нинг пайқаб қолиши эди. Фурсатни бой бермай, зудлик билан бир қарорга келиш ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш лозимлигини тушуниб турган Изқувар вазиятни тезгина англаб етди. У заррача шарпа чиқармай иккала ҳинду[2] билан Жасперга ёнига келишни ишора қилди ва уларга шивирлаб бундай деди:**

**—Биз шаппа-шай бўлиб туришимиз керак. Бу ярамаслар уч кишигина холос, биз эса беш кишимиз; тўртовимиз бунақа мушкулликларга кўникиб кетганмиз... Чучук Сув, ажал нусха бўёқ чаплагани сенинг тегишинг. Сен, Чингачгук, сардорнинг кафилини оласан, Ароухед эса ёшроғига кўз-қулоқ бўлсин. Тағин адаштириб юбора кўрманглар-а: биттасига иккита ўқ узиш—сержантнинг қизи хавф остида қолиб турган пайтда ўтакетган исрофгарчилик бўлади. Мен бўлсам, ҳар эҳтимолга қарши, заҳирада туратураман: балки тўртинчи рақиб ҳам бордир ёки бирортанглар эпидан чиқолмай қоларсизлар. То мен ишора қилмагунимча ота кўрманглар. Жуда тор келиб қолгандагина отамиз, негаки, ўқ овозини эшитиши биланоқ бу аблаҳларнинг ўртоқлари югуриб келишади. Жаспер, борди-ю ярамаслар орқа томонимиздан ҳамла қиладиган бўлишса, у тақдирда сержантнинг қизи ўлтирган қайиқни сенга топшираман; дарёдан қуйига қараб сузасан-у, уни қалъага етказасан.**

**Изқувар шу гапларни айтиб улгурди-ю жим бўлди, зотан бу сонияда ирокезлар шунчалик яқинлаб келишган эдики, тиқ этган овоз чиқармаслик лозим эди. Ирокезлар оҳиста-оҳиста сув кечиб келишар, буталарга яқинроқда бўлишга интилишарди. Айни шу паллада эшитилган баргларнинг шитирлашию шаббаларнинг чирсиллаши қочқинларга машъум хабардан дарак берди —ҳиндуларнинг бошқа гуруҳи қирғоқ ёқалаб орқа томонларидан келаётган эди. Қочқинлар бекиниб турган жойга етганда ҳар иккала гуруҳ бир-бировига рўпара бўлди. Улар тўхташиб, ўзаро кенгаша бошладилар; бу кенгаш том маъноси билан қочқинларнинг нақ бошлари узра содир бўлди; қочқинларни ҳавонинг сезилар-сезилмас бир химосигина ҳилпиратиб юборадиган, шамол эпкинида эса оралиғи бемалол очилиб кетадиган нозик гиёҳ ҳамда дарахтларнинг япроғу шох-шаббаларигина кўздан тўсиб турарди. Омадларига ҳар иккала гуруҳ ҳам бир-бирларига шох-шаббаларию барглари шунчалик аралашиб, чирмашиб кетганидан асло шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқий ҳамда «қўлбола» буталар тепасидан қарашаётганди. Ирокезлар қизғин, аммо, биров қулоқ солиб турмаганмикан дея чўчинқирагандек, аста-аста сўзлашишарди. Изқувар ҳам, иккала ҳинду жангчиси ҳам уларнинг тилига тушунишар эди. Ирокезларнинг нима дейишаётганини ҳатто Жаспер ҳам қисман тушунди.**

**—Изни сув ювиб кетибди! —деди дарёда шундоққина «қўл бола» бутанинг ёнгинасида турган жангчи; Жаспер қайиғининг тубида ётган балиқ тутадиган чангакни унга ғарчча қадаши мумкин эди. —Сув изни шунақанги топ-тозалаб ювиб кетибдики, ҳатто инглиз[3]ларнинг ити бўлганида ҳам излаб тополмасди уни.**

**—Оқ юзлилар қайиқда кетишган, —деди қирғоқда турганлардан бири.**

**—Мумкин эмас! Анави ёқдаги... қуйидаги жангчиларимизнинг қуроллари хато урмасди унда.**

**Изқувар Жасперга маънодор нигоҳ ташлаб қўйиб, нафас олаётгани эшитилмасин учун тишини тишига маҳкам босди.**

**—Менинг навқирон йигитларимнинг кўзи бургутнинг кўзидай ўткир бўлиши керак, —деди сув кечиб келган жангчиларнинг ёши каттаси. —Уруш сўқмоғида бир ойдан бери кезаяпмиз-у, атиги битта бош терисини қўлга киритдик... Уларнинг орасида қиз бола бор, бизнинг жангчиларимизга эса хотин керак.**

**Яхшиямки Мабель бу сўзларни англамади, аммо Жасперниг қовоғи уюлиб, қошлари чимирилди, юзлари лолақизғалдоқдай ловиллаб кетди.**

**Ирокезлар жим бўлишди. Баргу шаббалар товушидан қирғоқда турган гуруҳнинг йўлга тушиб, нари кета бошлаганини фаҳмласа бўларди. Сувда турганлар эса қирғоқни кузатишни давом эттиришди. Икки ёхуд уч дақиқа ўтгач, улар йўқотган нарсасини излаётган одамлардек аста-секин дарё бўйлаб қуйига қараб йўлга тушишди. Ниҳоят улар сунъий бута ёнидан ўтиб кетишди, шунда Изқувар оғзини очиб, одатича унсиз кулиб қўйди. Бироқ унинг тантанаси умри қисқа бўлди: айни шу аснода орқада кетаётган ҳинду ўгирилиб қараб тўхтади-да, сунъий тўсиқни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Унда қандайдир шубҳа туғилгани кўриниб турарди.**

**Сайёҳларнинг бахтига у ҳали ёш жангчи бўлиб, тажрибаси етарлича эмасди. У ўзи тенги жангчи эҳтиёткор ҳамда камтарин бўлиши лозимлигини тушунарди, кейин, агарда аслида йўқ хатардан хабар бериб, беҳуда ваҳима кўтарса майна бўлиши ва назардан қолишидан ҳаммасидан кўра кўпроқ қўрқарди. Шу боисдан ҳам у икки ўртоғини чақириш ўрнига, кетига бурилдида (шериклари дарёнинг қуйисига томон кетишаверди), секингина диққатини тортган бутага яқинлашди. Қуёшга қараган бир неча япроқ бандида осилиб турган ерида хиёлгина сўлинқирагани, ушбу табиатнинг одатий қонуниятидан билинар-билинмас чекиниш жангчини таажжубга солган эди. Бунинг ҳеч қандай ҳайрон қоладиган жойи йўқ, зероки барча ҳиндуларнинг жамики сезги аъзолари шунчалик нозик ҳамда ўткирки, айниқса, уруш сўқмоғига чиққанда арзимас бир нарса уларга тўппа-тўғри мўлжалга элтувчи ипнинг учини тутқазади-қўяди.**

**Бироқ ёш ҳиндуда шубҳа уйғотган белги ҳатто унинг ўзига ҳам шунчалик арзимас туюлдики, бу ҳақда шерикларига хабар қилишни телбалик деб билди, у шубҳа-гумонини бировнинг кўмагисиз текшириб кўришга аҳд этди. Ёш жангчи кутилмаган пистирманинг қанчалик хатарли эканига ақли етарди, шу сабабдан ҳам у бутага аста-секин одимлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан яқинлаша бошлади; токи у буталар олдига писибгина етиб келгунча ҳар иккала гуруҳ ҳам эллик-олтмиш ярдлар чамаси олислаб кетишга улгурган эди.**

**Сайёҳлар ўзларининг аҳволлари танглигига қарамай, айни шу дақиқада қарама-қарши туйғулар исканжасида талвасаланаётган ёш ирокезнинг ховотиргарлик акс этган юзидан кўз узмай туришарди. Ёш ҳинду аввало ўз қабиласининг ғоятда тажрибали жангчилари қўлга кирита олмаган ғалабага эришиш иштиёқида. Ана шу билан ўз тенгқури ёки дастлабки уруш сўқмоғига чиққан ёш жангчи камдан-кам эришадиган шон-шуҳратни мустаҳкамлашни хаёл қиляпти. Шунинг билан бирга у тараддудда эди, негаки сўлинқираб қолган баргларни шамол ҳилпирата бошлаган ва улар яна бояги-боягисидек тирилиб қолгандек туюларди. Бундан ташқари, кўзга кўринмас хавфу хатардан чўчиш ифодаси юзида очиқ-ойдин акс этиб турарди. Учи сувга тушиб турган шаббалардаги барглар иссиқдан жуда кам ўзгарганди, уларни ушлаб кўрган ирокез, тахминим тўғри чиқмади, деган қарорга ҳам келиб қолганди деярли. Ниҳоят дилидаги барча шубҳа-гумонларига барҳам бериш истагида у иккита шаббани нари суриб, олдинга бир қадам қўйди-ю, қаршисида ҳайкалдек қотиб турган қочқинларни кўрди. У сесканиб тушди, кўзлари чақнаб кетди-ю, лабларидан эшитилар-эшитилмас хитоб учди. Чингачгук томагавкини[4] кулочкашлаб туриб, ёш жангчининг бошига кучли зарб билан туширди. Ирокез қўллари тарвақайлаб ўзини орқага ташлади-ю дарёга қулади, ўша заҳотиёқ тезоқар сув унинг жон талашиб типирчилаётган танасини оқизиб кетди. Делавар бош терисини шилиб олиш мақсадида ҳиндуни қўлидан ушлаб қолмоқчи бўлди-ю, лекин беҳуда урингандн: сув қонли из қолдирганча мурдани олға суриб кетди.**

**Бу гапларнинг бари бир нафаслик фурсат орасида содир бўлиб ўтган ва тажрибасиз одамни довдиратиб қўйиши мумкин эди, бироқ ўрмондаги жангу жадалларга кўникиб кетган Изқувар билан унинг ҳамроҳлари ундайлардан эмас эдилар.**

**—Бирон лаҳзани бой бериб бўлмайди, —деди Жаспер шивирлаб шаббаларни юлқиркан. —Мистер Кап, агар жиянингизни омон сақлаб қолишни истасангиз, мен нима қилсам, сиз ҳам ўшандай қилинг. Сиз эса, Мабель, қайиқнинг тубига ётиб олинг.**

**У шундай дея солиб дарёга сакради-ю, енгил қайиқнинг тумшуғига ёпишди. Ҳиндуларга сездирмай дарё муюлишидан ўтиб олиш ва шу йўл билан душман кўзидан ғойиб бўлиш ниятида Жаспер қайиқни тумшуғидан тортса, Кап қирғоқ ёқалаб юрганча қуйруғидан итара бошлади. Изқуварнинг қайиғи қирғоққа яқинроқ турар, шу боисдан у охирида йўлга тушиши лозим эди. Могикан қирғоққа югуриб чиқиб, душман ҳаракатини кузатиш учун ўрмон ичкарисига кириб кетди . Ароухед бўлса Изқуварга қайиқни олдинга итариб юборишга ёрдамлашиб, Жаспер ортидан йўлга тушишни имо қилди. Бу ишларнинг жами бир сониялик иш эди. Изқувар дарё муюлишини айланиб ўтиб, тезоқар жойига етганда қайиқнинг тўсатдан енгиллашиб қолганини пайқади. Орқасига ўгирилиб қараб, тускарор[5] билан хотинни ғойиб бўлганларини кўрди. Шу заҳоти хаёлидан: «Ҳиёнат!» деган ўй кечди. Ҳозир ўй-мулоҳазанинг вақти эмасди, негаки дарёнинг қуйи томонида қаттиқ-қаттиқ ҳайқириқлар янграганди: турган гапки, тез оқаётган сув у орада ёш ҳиндунинг жасадини ўртоқлари кетаётган ерга оқизиб борган эди. Варанглаб ўқ овози эшитилди, худди шу топда Изқувар бурилишдан айланиб ўтиб, қуйруқда тик турганча қайиқни нариги соҳилга қараб бурган Жасперни кўрди. Кап тумшуқда ўтирар, ҳар иккалалари ҳам қайиқ тезроқ сузсин деб эшкакни ғайрат-ла ишлатишарди. Изқувар бирров кўз ташлашдаёқ миясига бир фикр келди-ю, дарҳол уни амалга оширишга киришди, зотан чегарада бўладиган жангу-жадалларнинг беқарору ўзгарувчанлигини ҳеч ким овчичалик билмасди. У бир ҳатлашда ўз қайиғининг қуйруқ томонига ўтиб олди-да, эшкакни бир селпишда қайиқни тез оқаётган оқимга тўғрилади, овчи дарёнинг нариги бетига, лекин ўз дўстидан анча-мунча қуйироқдан кесиб ўтишга чоғланди. Шу дамда унинг танаси рақиб ўқга нишон бўлган қўйганди: овчи ирокезларнинг аввало унинг бош терисини қўлга киритгилари келиб қолишини жуда яхши биларди.**

**—Жаспер, оқимдан юқорига қараб сузишни давом эттиравер!—дея қичқирди у, шиддатла, кулочкашлаб эшкак солиб нақ сувнинг чок-чокини сўккундай бўлиб. —Кейин нариги бетдаги, ҳув анави зирқзорга етиб олишга ҳаракат қилгин! Ҳаммадан бурун сержантнинг қизи беҳавотирлигининг ғамини е, ярамас минглар[6]ни Илон билан менга қўйиб беравер.**

**Жаспер, гапингни тушундим, деган маънода эшкакни ҳаволатиб силкиб қўйди. Бу аснода милтиқлар тез-тез, устма-уст варанглай кетди. Жамики ўқлар ирокезларга яқинроқда сузиб бораётган қайиқдаги одамга аталган эди.**

**— Баракалла, милтиқларингни бўшатаверинглар, аҳмоқлар!— деди умрининг талай қисмини кимсасиз овлоқ ўрмонларда ўтказиб, ўз-ўзи билан гаплашишга ўрганиб кетган Изқувар.— Мундоқ бирор мартаям тузукроқ мўлжалга олмай, иложи борича нарироққа бориб олишимизга имкон бериб, ўқ-дорини исроф қилаверинглар! Жанг пайтида мақтаниш келишмаган ишку-я, локигин мен, ҳар қалай, айтиб қўяй, сизлар мерганликда полиздаги чумчуқларни отадиган шаҳарликлардан кўпдаям эпчил эмас сизлар. А-ҳа! Мана буниси чаккимас! — дея қўшиб қўйди у шундоққина ёнгинасидан учиб ўтган ўқ сочининг бир чимдимгинасини юлқиб кетганида бошини силкиб қўяркан. — Аммо-лекин бир энлик четдан чувиллаб ўтган қўрғошиннинг умуман милтиқ оғзидан чиқмай қўя қолгани маъқул, фойдага қолади. Қойил, Жаспер! Ўзимизнинг бош теримизни шу ерда қолдиришимизга тўғри келган чоғдаям, ҳеч бўлмаса сержантнинг дилбар қизини қутқаришимиз зарур!**

1. Ирокезлар — америкалик ҳинду қабилалари иттифоқи. Улар мустамлакачилик урушлари даврида французлар томонида туриб урушганлар.
2. Ҳинду —америкалик туб аҳоли.
3. Инглиз —ҳиндулар инглизларни шундай атайдилар.
4. Томагавк— ҳиндуларнинг жанговар болтаси.
5. Тускарорлар —ирокез қабилалари иттифоқига кирувчи америкалик ҳиндулар қабиласи.
6. Минглар — ирокез қабилалари иттифоқига кирган кудратли гуронлар қабиласининг лақабларидан бири.

**(Давоми бор).**

**● Эркин Миробидов** —СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, ношир ва таржимон. Виктор Гюго, Жюль Верн, Фенимор Купер, Ж. Олдридж, А. Фадеев, В. Катаев, В. Шукшин ва бошқа атоқли адибларнинг қатор асарларини ўзбек тилига таржима қилган... Ўз умрининг 50-баҳорини қаршилаган бу муаллифимиз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриётида ишлайди.

---

## *Фан ва техника изланишлари*

## ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР

**Келажакда бемалол океанда яшаш мумкин бўлиб қолади, деб ҳисоблашмоқда Украина ССР Фанлар академияси машинасозлик проблемалари институтининг олимлари. Улар ишлаб чиққан ва океан иссиғидан фойдаланувчи термогидростанциялар сузиб юрадиган шаҳарларнинг энергетика юраги бўлиб қолиши мумкин.**

**—Планетамизнинг тропик ва субтропик районларида сувнинг юқори қатламини қуёш цельсий ҳисоби билан 30 градусгача илитади, бир неча юз метр чуқурликда эса сувнинг температураси 8—10 градусдан ошмайди,—дейди техника фанлари кандидати Б. Трошенькин.— Биз шу температура тафовутидан гидробуғ турбинаси ёрдамида электр энергияси ҳосил қилишда фойдаланишни таклиф этдик. Бу вакуум шароитида илиқ денгиз суви қайнаган чоғида ҳосил бўладиган буғ суюқлик оқимининг тазйиқи билан ҳаракатга келади. Океан чуқурликларидан труба орқали бериб туриладиган совуқ сув ишлатилган буғни конденсация қилади— яна сувга айлантиради. Океаннинг текин иссиқлиги билан ишлайдиган шундай установканинг экспериментал намунаси синаб кўрилди. Бу установканинг самарадорлиги буғ установкасига нисбатан икки баравардан зиёд юқори.**

**Ҳисоб-китобларн и н г кўрсатишича, шундай термогидростанциял а рдан фойдаланганда, океан ҳар йили инсониятга зарур бўлганидан 200 баравар кўп энергия бера олади. Хуллас, океандаги шаҳарлар ўзини-ўзи энергия билан таъминлашдан ташқари ортиқча энергияни қуруқлик билан ҳам баҳам кўради.**

## ОДАМ ИШТИРОКИСИЗ

**Юпқа кўмир қатламларини одам иштирокисиз қазиб олиш мумкин. «Донецкуголь» бирлашмасидаги Горький номли шахтада Донецк кўмир илмий-тадқиқот институтининг технологиясига мувофиқ ўтказилган саноат эксперименти уни тасдиқлади.**

**Қалинлиги атиги 50 сантиметрга борадиган қатлам кўплаб ишлаб чиқарилаётган қончилик машина-ускуналари ёрдамида қазиб олинади. Наридан туриб бошқариладиган скрепер-қирқиш установкаси кўмирни қазиб, забойдан олиб чиқди. Пневматика эса, конни маҳкамлаб бориш машаққатли жараённи енгиллаштирди.**

**Одамсиз кўмир қазиш чиқитсиз ҳам бўлиб қолди. Кўмирдан бўшаган жойларни тўлғазиб маҳкамлаш учун тайёргарлик ишлари чоғида чиққан тоғ жинсидан фойдаланилмоқда. Одатда уни ер юзига чиқариб ташлашга тўғри келарди. Бунинг натижасида устунбоп ёғоч тежалади, металл устун қўйишга эҳтиёж қолмайди.**

**Олимлар янгиликни саноат кўламида текшириб кўриш асосида кўмирни одамсиз қазиб чиқариш технологиясини амалда қўллаш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқдилар.**

**(ТАСС).**

---

## ● Билиб қўйган яхши

## НАБОТОТ АЖОЙИБОТЛАРИ

**● Кедр дарахти совуққа ва қурғоқчиликка яхши чидаш беради. Унинг ёғочи чиримайди. Тунисдаги Маъдий порти яқинида сув остида қарийб икки аср ётган кеманинг ливан кедридан ишланган кўндаланг ёғочлари янгидек сақланган.**

**● Глендичия деган тиканли ўсимлик Жанубий ва Шимолий Америкада, Шарқий Осиё ва тропик Африкада ўсади. Унинг 8 вакили 1951 йилдан бери Тошкент Ботаника боғида ўстирилмоқда. Бу дарахтнинг гулидан яхши асал олинади. У эррозияга ва селга қарши яхши қалқон бўлади.**

**● Ботаник олимларнинг ҳисобига қараганда, Ер юзида об-ҳавонинг қандай бўлишини англатадиган 400 тага яқин ўсимлик тури бор экан.**

**● Америкадан Европага 40 га яқин ўтлар келиб қолиб жойлашган. Европадан Америкага эса 200 дан ортиқ ўсимлик ўтган, дейишади ботаник олимлар.**

**● Хризантема энг қадимги гуллардан ҳисобланади. Қадимий шарқ файласуфларининг икки ярим минг йил илгари ёзган китобларида ҳам хризантема ҳақида маълумотлар учрайди.**

**● Луб толалари мустаҳкамлиги жиҳатидан темир билан бемалол тенглаша олар экан. Унинг тортиш кучи эса металлга нисбатан 15 марта кўпдир.**

---



## «ДЎСТЛИК» ОҲАНГЛАРИ

**Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музика билим юртининг «Дўстлик» рус халқ чолғу асбоблари оркестри Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган катта концерт программаси тайёрламоқда.**

**Оркестр ижрочилари қўлида балалайка, мандолина, гусли сингари асбобларни кўргач, томошабин ҳозир рус халқ оҳанглари янграса керак, деб хаёл қилади. Аммо шу коллектив раҳбари Т. А. Хомяковнинг дирижёрлик таёқчаси ҳаракатга келиши билан М. Ашрафий, С. Юдаков, М. Тожиев, Т. Назаров сингари ўзбек композиторларининг машҳур асарлари жаранглайди. Ёш ижрочилар музикани, миллий услуб ва оҳангдорликни нозик ҳис этишларини намойиш этадилар.**

**Том Александрович Хомяков билим юртида дирижёрлик ва партитурани ўқиш бўйича дарс беради. Оркестр билан 15 йилдан ортиқроқ вақтдан буён иш олиб боради. Дастлаб оркестр унча мураккаб бўлмаган рус халқ пьесаларини ижро этишдан бошлаган эди. Эндиликда эса у ранг-баранг концерт номерларига эга. 100 га яқин классик ва халқ асарлари ижроси шулар жумласидандир. Коллективга Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти берилган. Оркестр мактабларда, техникум, ҳунар-техника билим юртларида тез-тез меҳмон бўлиб туради. Тошкент области дала меҳнаткашлари ҳузурида концертлар қўйиб беради. Оркестр республика телевидениеси орқали ҳам ўз маҳоратини намойиш этган, республика конкурсларида ғолиб чиққан.**

**СУРАТДА: Т. А. Хомяков раҳбарлигидаги «Дўстлик» оркестри куй ижро этмоқда.**

**Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).**

---

## ● Мамлакатлар, одамлар, одатлар

## ҚАЛҚИБ ТУРУВЧИ ДАВЛАТ

**Ҳа, бу давлат кўчма маънода эмас, том маъноси билан қалқиб туради. Бу давлатнинг номи: «Минерва Республикаси», аҳолиси йўқ.**

**Энди бу антиқа давлатнинг тарихига бир назар ташлаймиз. Мазкур тарих Майкл Оливер деган йигитнинг икки ошнаси билан яхтада (спорт кемаси) сайр қилиб юриб, маржонли оролларни кашф этишларидан бошланган эди.**

**Фиджих архипелаги ва Тонго оролларидан бир неча юз километр жанубда жойлашган бу ороллар илгари мутлақо номаълум эди. Бунга сабаб шуки, океан сувининг қалқиши натижасида риф ҳар суткада икки марта батамом сув остида қолади. Илгари тадқиқотчиларнинг ҳаммаси риф сув остида бўлган пайтда шу атрофдан ўтганлар, аммо бу ерда маржонли ороллар борлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Гарчи риф ҳеч қачон бутун бир сутка давомида сувдан «қад кўтариб» чиқиб турмаган бўлса-да, кашфиётчи йигитлар «унга» озод ва мустақил «Минерва Республикаси» деб ном бердилар. Модомики, «давлат» барпо бўлган экан, унга бошлиқ тайин этиш талаб қилинади. Оролларни кашф этган уч жаҳонгаштадан бири —Морри Дэвис «республика» президенти қилиб сайланди. Бу гаплар шу атрофда жойлашган Тонго ороли қироли Тубоу IV нинг қулоғига бориб етмаслиги мумкин эмасди, албатта. «Бу маржон ороллар, —деб эълон қилди қирол Дэвиснинг даъволарини эшитгач, —азалдан Тонго давлатига қарашлидир. Бугундан бошлаб мазкур оролларга менинг номим берилади ва «Тубоу Талекелау» деб юритилади. «Минерва» деган сохта ном бекор қилинади.**

**«Минерва президенти»чи! У якка ўзи Тонго қироллигига қарши кураша олмаслигини айтиб, жуфтакни ростлаб қолишга мажбур бўлди. Ороллар эса илгаригидай ҳар суткада икки марта сувга «шўнғиб» чиқмоқда.**

**О. КАРИМОВА.**

---

*● Ажойиботлар оламида*

# ЯХШИ КАЙФИЯТ УСТАСИ

**Москвалик С. Коридзе туғилган кунда (у 101 ёшга кирди) радио юбилярга совға қилди—«Севилья сартароши» операсини эшиттирилди. Бу — сартарош севган опера бўлиб, бир вақтлар Федор Шаляпин, Айседора Дункан, Анна Павлова ва бошқалар унинг мижозлари эдилар.**

**Тбилисилик сартарошнинг шогирди театрга илк бор ўн икки яшарлигида келганди. Орадан бир мунча фурсат ўтгач, устози — театр сартарошлари цехининг бошлиғи болани шогирд қилиб тайинлади.**

**— Ўша тантанали маросим охирида, — деб эслайди кулимсираб Симон Григорьевич,—устозим «қийналиб кетмаслигим учун» менга уч марта анъанавий шапати туширди...**

**Тбилиси опера театрида ўшанда ҳали саводсиз крепостной ўғли энг яхши хонандалар ижросида бутун классик операларни ўрганиб чиқди. Уста шу хонандаларнинг дастхатлари ёзилган фотосуратларни ҳанузгача авайлаб асрайди.**

**— Мана буниси энг биринчиси,— деб Коридзе альбомни кўрсатади. Унда бир вақтлар таниқли Италия хонандаси Л. Тетрацинининг дастхати бор. У асримиз бошларида Тбилисида гастроль берганди. Мана бу причёскани унга мен қилиб қўйганман. Орадан кўп йиллар ўтгач, Москвада гастроль берган «Ла скала» театридаги унинг ватандошлари ана шу танишликни эслаб, мени ўз концертларига таклиф қилдилар.**

**Гражданлар урушидан сўнг шу уруш қатнашчиси қизил аскар Коридзе Москвага кўчиб келади. Энди унинг суюкли альбомида Любовь Орлова, Марина Ладинина, бошқа машҳур актёрларнинг фотосуратлари пайдо бўлади... Улуғ Ватан уруши бошланганида Симон Григорьевич кўнгилли бўлиб урушга кетади.**

**— Фронтда ҳам касбим асқотди — жимлик чўккан дамларда милтиқни қайчини соч гажак қиладиган қадимги қисқичлар билан бирга (булар устага 75 йил хизмат қилган) Тбилисидаги музейларнинг бирида, Коридзенинг меҳнат дафтарчаси ёнида кўриш мумкин.**

**Ҳозир Симон Григорьевич пенсияда. Унинг иш столида ҳамон мода журналларини, пойтахтдаги премьералар программаларини кўриш мумкин.**

**— Ҳаётимни театрсиз, суюкли касбимсиз тасаввур эта олмайман, — дейди уста. — Бу касб менга куч-қувват бағишлайди. Ижодкорлик қувончлари келтиради, ҳамиша ишчан ҳолатда бўлишга мажбур қилади. Яна шуниси ҳам муҳимки, креслога ўлтирган ҳар бир киши учун хуш келадиган бирон сўз топиб айтишингизни тақозо этади. Артист сартарош креслосига бир нарсадан кайфияти бузилиб ўлтирса, шпилкалар қаттиқроқ ботади, қисқичлар эса куйдирадиган бўлиб туюлади ва соч итоат этмай «инжиқлик қилади». Шундай қилиб, сартарош причёска қила билишидан ташқари яхши кайфият устаси ҳам бўлмоғи лозим.**

**(ТАСС).**

---

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

# ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**1984 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАН БОШЛАБ ОЛИШ УЧУН**

**«СОЮЗПЕЧАТЬ» каталогларида номлари кўрсатиб ўтилган барча марказий газеталарга, шу жумладан «ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»ГА ҳам;**

кўпгина оммавий; партиявий-сиёсий, комсомол ёшлар илмий оммабоп журналларга;

санъат бўйича, хотин-қизлар, болалар, спорт ва бошқа журналларга

**ОБУНА БОШЛАНДИ**

«Аврора», «Знание— сила», «Здоровье», «Крестьянка», «Огонёк», «Работница», «Человек и закон», «Ровесник», «Смена», «Советский экран», «Юний натуралист», «Юний техник», «Мурзилка», «Весёлие картинки», «Крокодил» «Роман—газета» ва бошқа журналларга обуна чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

**Сиз обунани «Союзпечать» агентликларида, Тошкент шаҳридаги алоқа бўлимларида ва иш жойингизда расмийлаштиришингиз мумкин.**

**ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МУДДАТЛАРИ:**
**Марказий газеталарга — 14 ИЮНГАЧА;**
**Марказий журналларга — 1 ИЮНГАЧА;**
**маҳаллий газеталарга — 20 ИЮНГАЧА.**
**маҳаллий журналларга — 5 ИЮНГАЧА.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИ.**

---

**Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги**

ТОШКЕНТ ШАҲАР П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

**26 май, 12—26 июнь кунлари соат 12 дан 17.00 гача**

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ**

Медицина билим юртига ўқишга кириш иштиёқида бўлган (8 ва 10 синф ҳажмида) мактабларнинг ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек илгари мактабларни битирган қизлар таклиф этилади.

Ўқувчилар билим юртининг тарихи, кабинетлар ва лабораторияларнинг иши, келгусидаги касблари —медицина ҳамшираси ва акушеркалик билан танишадилар.

**Адрес:** 700015, Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекатлари; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет номли касалхона» бекати).

---

**СССР Алоқа министрлиги**

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

**икки ойлик кечки ва бир ойлик кундузги**

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР, ШУНИНГДЕК 8—10 СИНФЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

**МАШҒУЛОТЛАР 1984 ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.**

**Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

**Курсларга кириш тўғрисидаги аризалар 21 майгача қабул қилинади.**

Бошқа шаҳардан келиб, бир ойлик кундузги курсларга қабул этилганлар бепул равишда ётоқхона билан таъминланадилар.

**Сиртқи бўлимга ўқишга киришни истаганлар бир ойлик курсларни тугатгач, 10 июлдан 20 июлгача имтиҳон топширадилар.**

**Кундузги бўлимга ўқишга кирувчилар имтиҳонларни 1 августдан 20 августгача топширадилар.**

Мурожаат учун адрес: 700189, Тошкент шаҳри 189-алоқа бўлими, У. Юсупов кўчаси, 70-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати). Телефонлар: 41-35-58, 41-35-68, 41-35-04).

---

**Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг савдо бошқармаси**

ТОШКЕНТ САВДО-КУЛИНАРИЯ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

**1984-85 ўқув йили учун**

ОШПАЗЛИК, КОНДИТЕРЛИК, СОТУВЧИЛИК, ТИКУВЧИЛИК ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Ўқиш муддати: ошпазлик ва кондитерлар — 2 йил, сотувчилик ва тикувчилар — 1 йил.**

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ДАН 20 ЁШГАЧА БЎЛГАН (ўрта маълумотли) ЁШЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар ойига 70 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Сотувчилар 32 сўмдан стипендия оладилар.

**Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:** директор номига ариза, маълумоти тўғрисида (асли), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, справкалар: турар жойидан, медицина справкаси (286-форма), автобиография, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Хўжанд кўчаси, 12-уй. (54 автобус, 3, 11-троллейбуслар, 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати).

---

2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**қуйидаги ихтисослар бўйича**

**1984—85 ўқув йили учун**

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчилар бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Улар билим юртини битирганларидан кейин касб билан бирга тугалланган ўрта маълумотни оладилар; 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар 10 ой ўқийдилар ва ойига 64 сўм 77 тийин миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар, ишлаб чиқариш практикасида бўлганларида, ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

**Ўқиш муддати — меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

3 йиллик программа бўйича таълим оладиган ўқувчилар учинчи курсда шофёрлик курсида бепул ўқийдилар ва билим юртини битирганларидан кейин диплом билан бирга ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам оладилар.

**Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди:** учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, программа билан бошқариладиган станокларнинг электрон системаларини созловчилар, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарлар, фрезировкачилар, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари слесарь-ремонтчиси, робот-манипуляторлар созловчиси, ОТК контролёри.

Билим юртида бокс, эркин ва классик кураш, футбол, волейбол, самбо, дзюдо спорт секциялари ишлайди. Бундан ташқари бадиий ҳаваскорлик, авиамоделчилик тўгараклари бор.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади:** гувоҳномалар, туғилганлиги тўғрисида, маълумоти тўғрисида; справкалар: турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; мактабдан характеристика, автобиография, 8 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиационний проезди, 10-уй (10, 23, 27-трамвайлар; 10-троллейбус; 44, 48, 97-автобусларнинг «Марказ-13» квартали ёки «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). Телефон 41-89-01.

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщиклар, сувоқчилар, қурувчи дурадгорлар, электромонтажчилар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, облицовкачи-плиткачи.**

**Ўқиш муддати — 1—3 йил.**

**БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар.

Бир йиллик ўқишга қабул қилинганлар ойига 70 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳри, Домбробод кўчаси, 74-уй (50, 34, 54, 70, 79, 80, 103, 123-автобусларнинг «16-поликлиника» бекати; 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекати). Телефон 77-49-53.

---

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

В. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИДА

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ УЧУН

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН**

# ГРУППАЛАР ОЧИЛДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИСИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ.

ГРУППАЛАРГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Машғулотлар — 15 майдан бошланади.**

ШУНИНГДЕК, ГРУППАЛАРГА УМУМИЙ ТАЪЛИМ ЎРТА МАКТАБЛАРИНИ 1984 ЙИЛДА БИТИРГАН ҲАМДА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ЁШЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

**Машғулотлар — 1 июлдан бошланади.**

Группаларга қабул қилинганлар 1-разряд бўйича стипендия билан таъминланадилар. Бундан ташқари ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 3 дан бир қисмини оладилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Билим юрти ўқув-ишлаб чиқариш базасига ва юқори малакали ишчиларни тайёрлашга кафолат берадиган педагогик кадрларга эга.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, ариза, характеристика.

**Паспорт, ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ** (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 121 автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «Валихонов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

---

# ЧАҚАЛОҚҚА НИМА КЕРАК?

ЭНГ АВВАЛО ТЎЙИМЛИ ОВҚАТ.

ОНА СУТИ ЕТМАГАН ЁКИ ЙЎҚ БЎЛГАН ТАҚДИРДА «ДЕКТОЛАКТ» СУТ АРАЛАШМАСИДАН ФОЙДАЛАНИНГ



У билан болаларни ҳаётининг дастлабки кунларидан 1 ёшга тўлгунга қадар боқиш мумкин. Айни вақтда уни тайёрлаш кўп вақтни олмайди — қуруқ аралашмани қайнаган сувга солиб, яхши эригунча аралаштирсангиз бас — бола учун овқат тайёр.

«ДЕКТОЛАКТ»НИ ИСТАГАНЧА МИҚДОРДА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

**У шу каби аралашмадан кўпроқ вақт сақланиши мумкин — очилмаган идишда унинг сақланиш муддати — 18 ой.**

«ДЕКТОЛАКТ» сут аралашмаси СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва СССР Медицина фанлари академияси Озиқ-овқат институти томонидан маъқулланган. У ёғсизлантирилган сут, кокос ва маккажўхори мойи, лактозага витаминлар, минерал тузлар қўшиб тайёрланади, темир препарат билан тўйдирилган.

«УЗМЯСОМОЛТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА БОЛАЛАРНИНГ «ДЕКТОЛАКТ» СУТ АРАЛАШМАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**«УЗМЯСОМОЛТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ (телефон 91-18-35).**

---

# «БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

Қизиқарли ва фойдали касблар жуда кўп. Шулардан биттаси сотувчилик касбидир. Ҳозирги кун сотувчиси — бу харидор психологиясини биладиган, унга тез хизмат кўрсата оладиган ҳамда фойдали маслаҳат бера оладиган кишидир. Сотувчи доимо одамлар кўз олдида ишлайди, шунинг учун ҳар бир дақиқада одамлар билан муомала қилганда мулойим, эътиборли бўлиши лозим.



Ҳар бир сотувчи ўрта ҳисобда кунда камида 150 та харидорга хизмат кўрсатади ва 200 дан ортиқ консультациялар беради.

АГАРДА СИЗ СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЁҚТИРИБ ҚОЛСАНГИЗ, БУ КАСБНИ

«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН.

Мактаб-магазинда сиз билим, тажриба ва ҳар бир савдо ходими учун зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини эгаллайсиз.

«Белорусь» мактаб-магазини 4 ойда кичик сотувчиларни ва 6 ойда озиқ-овқат моллари сотувчиларини тайёрлайди.

**Мактаб-магазинга 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар қабул қилинади.**

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Хоҳловчилар бир вақтнинг ўзида кечки ўрта мактаб ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинни битирганлар Куйбишев райпишчеторгининг магазинларига ишга юбориладилар.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**Мурожаат учун адрес:** Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 50-уй (17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби», 6, 13, 22-трамвайлар; 1, 24, 63-автобусларнинг ва метронинг «М. Горький майдони» станцияси бекати).

**«КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ» (телефонлар: 66-00-66, 66-05-41).**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)**


---

# ТВ

## сешанба

**15 МАЙ**

● МТ I

17.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
18.15 «Поэзия». С. Городецкий.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «ЖАСОРАТ АДРЕСИ: ГАЗЛИ». «Коллектив нимага қодир» туркумидан.
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси.
21.30 «Время».
22.05 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
22.30 Футбол бўйича халқаро учрашув. Финляндия — СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Рационал таъминот ва истеъмолчилик».
19.15 «... 16 ёшгача ва ундан каттталар».
20.00—20.30 Жаҳон халқларининг ижоди. Океания халқларининг санъати ҳақида.
20.45 «Тош сувининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм.
20.55 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Пирогов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Опера театри солистлари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Муқаддима». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Качканар». Телефильм.
19.00 Ўқув программаси.
19.30 Акробатика бўйича ЎзССР биринчилиги. «Ёшлик» спорт аренасидан ёзиб олинган репортаж.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 Ўқув программаси (рус.).
21.30 МТ II

## чоршанба

**16 МАЙ**

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Илмий-оммабоп фильм.
10.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.30 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 1-серияси.
11.35 «Саёҳатчилар клуби».
12.35 «Капелла маэстроси». Фильм-концерт.
13.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Шериклар». Телефильм премьераси. Ноқоратупроқ хўжаликларида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўллари ҳақида.
16.05 «Сен қонунни биласанми?»
16.35 «Ерда, самода ва денгизда».
17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.35 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.15 «Спорт ҳафталиги».
18.45 «Ёқилғини тежанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
19.50 «Сиз яратган боғ».
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Театр мемуарлари». «Театр — менинг уйим».
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 «Болакайнинг катта дўсти изланмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Ёғоч одамча тарихи». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.35 «Автоматлаштириш: фан муаммолари ва жорий этиш». 2-кўрсатув.
14.25 «Магнитка мактаби».
15.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.40 М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Фил эса гапира олади». Фильм-концерт.
19.15 СССРда II Халқаро музика фестивалининг очилиши. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 «Время».
22.05 «Тўқнашиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Греция — СССР терма командалари.

● ЎзТВ I

18.15 «Шоирлар — болаларга». Пўлат Мўмин.
19.00 «Диалектика ва замонавий илмий тафаккур» Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эскиздан экранга». Кино рассоми В. Смир... туғилган кунинг 80 ... га (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Муқимий номли ... солистлари ... кали драмалардан ... ва дуэтлар.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Бугун оламда ...» Халқаро аҳвол ...
22.20 «Ғирром ...» фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар програм...
18.30 «Ёшлик» студияси ... ди. «Биз — 80-йиллар ...сомоллари».
19.00 Телефильм.
19.10 «Авлодлар ...» (рус.).
19.40 «Океандаги орол ...» фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани.
20.50 Ўқув программаси.
21.30 МТ II

---

## театр

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА— 16/V да ...

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... МА ТЕАТРИДА — 16/V ... **Юлдузли тунлар**, 16/V ... **буниисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... РИДА —16/V да ...

## цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА— «Сувда цирк ...» **цирки артистлари...** **лари** (19.30).

## кино

**15 МАЙДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР**

«АЙБДОР» ДЕБ ... СИН» — **Чайка** (жуфт ...да, телефон 77.06.20) (жуфт соатларда, теле... 14.59), **Тинчлик** (жуфт ...ларда, телефон 58-36...

«БЎРИ УЯСИ» — ... **саройи** (18.30, 20.45, ... 44-21.74) **Ватан** (18, ... **Нукус** (18.30, 20.45 ... 46-70-69), **Фестивал** ... 21.40, телефон 3... **Тошкент Советининг 50 ... ги номли** (18, 21.00 ... 78-47.25), **Қозоғистон** ... 20, 21.00, телефон 35...

«ДОВОНДА ОТИШМА» — **Москва** (тоқ соат... телефон 33-05-01), ... (жуфт соатларда, теле... 14-61).

«АВИАЦИЯ ХАЗИНАСИ ТОМОН» ... **Ўзбекистон ССР 25 ... номли** (тоқ соатларда ... 53.65-87).

**16 МАЙДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР**

«АЙБДОР» ДЕБ ... СИН» — **Чайка** (жуфт ...да, телефон 77-06-20), (жуфт соатларда, теле... 14-59), **Тинчлик** (жуфт ...да, телефон 58-36-06).

«БЎРИ УЯСИ» — **Са...ройи** (11, 13.30, 16, ... 20.45, телефон 44-21-74), ... (12, 15, 18, 21,00), **Нукус** ... 13.30, 16, 18.30, 20.45 ... фон 46-70-69), **Фестивал** ... 21.40, телефон 32-78-02), **Тош...кент Советининг 50 ... номли** (12, 15, 18, 21.00 ... фон 78-47-25), **Қозоғистон** ... 12, 14, 15, 17, 18, 20 ... телефон 35-24-92).

«ДОВОНДА ОТИШМА» — **Москва** (тоқ соатларда, те...лефон 33-05-01), **Хива** ... телефон 32-78-02), ... (жуфт соатларда, теле... 14-61), **Лисунов номли** ... соатларда, телефон 96...

«АВИАЦИЯ ХАЗИНАСИ ТОМОН» ... **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт со...атларда, телефон 3... **Ўзбекистон ССР 25 ... номли** (тоқ соатларда, те... 53-65-87).


КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ... КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИНГ 30 ТОМ 31 КИТОБ... 3-НАШРИГА ЯНГИ ХАРИДОР... САВДО НАРХИ БЕЛГИЛАНДИ

КОМПЛЕКТ БАҲОСИ 350 СЎМ.

**Бу нашрнинг айрим ...ларини сотиб олиш ... тишда харид ва савдо ...хи ҳар бир том учун ... миқдорида белгиланди.**


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси коллективи ... та-ҳарф териш цехининг ... ишчиларидан бири Мирвафо МИРБОҚИЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ... изҳор қилади.


4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш ва шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

15 МАЙ, 1984 й. Р—09249. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10